



## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Джуманиязов Умрбек Илхамович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси доценти [umrbek.mfga@gmail.com](mailto:umrbek.mfga@gmail.com)*

*<https://orcid.org/0009-0004-3535-1676>*

*DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss5/a22](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss5/a22)*

### **Аннотация**

Мазкур илмий тадқиқот ишимизда миллий олий таълим соҳасида сифатни таъминлаш тизимини трансформация қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган. Шу билан бирга, соҳадаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани янада ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, тобора ривожланиб бораётган жараёнларга мос равишда янги ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ тақлиф ҳамда тавсиялар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Трансформация, халқаролаштириш, халқаро стандартлар, концепция, олий таълимни рақамлаштириш, халқаро аккредитация.

### **НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСФОРМАЦИИ СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ**

**Джуманиязов Умрбек Ильхамович**

*Доцент кафедры «Жаҳон иқтисодиёти» Ташкентского государственного экономического университета*

### **Аннотация**

В данной научно-исследовательской работе анализируется современное состояние нормативно-правовых основ трансформации системы обеспечения качества в сфере отечественного высшего образования. При этом были представлены предложения и рекомендации, связанные с дальнейшим реформированием и совершенствованием существующей нормативно-правовой базы в сфере, разработкой и внедрением новых проектов документов в соответствии с все более развивающимися процессами.

**Ключевые слова:** Трансформация, интернационализация, международные стандарты, концепция, цифровизация высшего образования, международная аккредитация.

### **REGULATORY AND LEGAL BASES FOR TRANSFORMING THE QUALITY ASSURANCE SYSTEM IN HIGHER EDUCATION**

**Djumaniyazov Umrбек Ilhamovich**

*Associate Professor of the "World Economy" Department of Tashkent State University of Economics*

## **Abstract**

In this scientific research work, the current state of the regulatory and legal bases of the transformation of the quality assurance system in the field of national higher education is analyzed. At the same time, proposals and recommendations related to the further reform and improvement of the existing regulatory legal framework in the field, the development and implementation of new drafts of documents in accordance with the increasingly developing processes have been presented.

**Keywords:** Transformation, internationalization, international standards, concept, digitization of higher education, international accreditation.

## **Кириш**

Дунё бўйлаб 2019-2021 йиллар давомида шиддат билан ҳукм сурган Covid-19 жараёни барча соҳалар қаторида олий таълим тизимида ҳам жиддий ислохотларни амалга оширишни, бир сўз билан айтганда, соҳани халқаро стандартлар асосида трансформация қилишни талаб этди.

Олий таълим тизими илғор ривожланган давлатларда соҳада аллақачон қатор трансформация жараёнлари амалга оширилаётганлигига қарамасдан Covid-19 жараёни ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни қайтадан режалаштириш асосида мукамал стратегик дастурлар асосида ишлаб чиқишни тақозо этди.

Жумладан, жаҳоннинг энг йирик олий таълим муассасалари ҳам ўз фаолиятини комплекс равишда рақамли трансформация қилиш ишларини амалга оширдилар. Айниқса, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини рақамли трансформациялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, ушбу Covid-19 даври мамлакатимизда ҳам олий таълим тизимида қатор жиддий ижобий ўзгаришларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилди. Мисол тариқасида, ўқув жараёнларини тўлиқ масофавий таълим шаклига ўтказилганлиги ва ушбу жараённи тизимли йўлга қўйилганлигини таъкидаш мумкин.

Бироқ, ушбу жараёнлар ўз ўрнида миллий олий таълим тизимини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш зарур эканлигини ҳар томонлама кўрсатиб берди. Бу эса, ўз-ўзидан дастлаб соҳани трансформация қилишнинг зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишни тақозо этмоқда.

## **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Сўнги йилларда олий таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларининг баъзи жиҳатлари Ғарб мамлакатлари, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишларида татқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан И.А.Ирина ва Е.Н.Фанина томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда олий таълимни ривожлантириш замонавий тенденциялари ўрганилган бўлиб, олимлар ушбу тадқиқот ишларида глобаллашув жараёнларида олий таълим соҳасида ўзгаришлар, олий таълим ва амалиёт интеграцияси, илмий тадқиқотларга асосланган олий таълим натижаларини тижоратлаштириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар мобиллиги, масофавий олий таълим масаларини [1] татқиқ этишган.

Шу билан бирга, Е.В.Никитенко - олий таълимни ривожлантириш тенденцияси сифатида Европа давлатлари олий таълим соҳаси тажрибаларига мувофиқ равишда қуйидагиларни самарали йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

- Ўзгарувчан жаҳон меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш;

- Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни академик мобиллик асосида алмашинув дастурларини халқаро стандартлар асосида йўлга қўйиш;

- Аҳолини олий таълим билан қамровини оширишда рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш [2].

Мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида ҳам олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлиб, академик С.С.Ғуломов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда асосан, олий таълим тизимини самарали бошқарувни йўлга қўйиш ва бунинг соҳани халқаро стандартларга мувофиқ рақамлаштириш алоҳида эътибор қаратилган [3].

Шунингдек, Б.Ю.Ходиев эса, олий таълим соҳасини ривожлантиришда замонавий янги ўқув адабиётларнинг аҳамиятини алоҳида ажратиб кўрсатади. Яъни, бунинг учун олий таълим муассасаларидаги кутубхоналар фаолиятини ўзгарувчан тараққиёт муҳитига мос равишда босқичма-босқич ривожланиш зарур, [4] деб таъкидлайди.

Қолаверса, Т.З.Тешабоев томонидан олиб борилган тадқиқотларда олий таълим тизимида инновацион фаолиятни йўлга қўйиш ва бу рақамли технологиялар асосида бошқарилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган [5].

Академик К.Х.Абдурахмонов илмий ишларида олий таълимни ривожлантириш учун замонавий менежмент усуллари қўллаш ва соҳани халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилиш кераклигини эътироф этиб ўткан [6].

Бироқ, ушбу ишларда олий таълим соҳасини ривожлантиришда сифатни ошириш, олий таълим муассасаларини институционал шаклда аккредитациядан ўтказиш ва таълим йўналишларини халқаро стандартларга мослаштириш ва трансформациялаш билан боғлиқ масалалар яхлит илмий изланиш сифатида амалга оширилмаганлиги илмий мақоламизнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги маълумотларни таҳлилий ўрганиш асосида илмий мушоҳада, абстракт-мантикий фикрлаш, эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири – бу, олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ҳисобланади.

Сўнги 6 йил давомида республика олий таълим тизимини халқаро стандартларга мос равишда комплекс ривожлантириш, хусусан соҳада самарали бошқариш механизмларини жорий қилиш асосида сифатни ошириш, таълимни рақамлаштириш, олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини

шакллантириш борасида салмоқли амалий ишлар бажарилди. Ўз ўрнида, ушбу қайд этилган натижаларга эришиш имконини берадиган қонунчилик негизи яратилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида олий таълим тизимини ҳам илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш борасида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонунчилик ҳужжатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони соҳани стратегик ривожлантиришда муҳим концептуал ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳужжатга асосан қуйидагилар назарда тутилган:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалавриат ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга

иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш белгиланган [7].

Шу билан бирга, олий таълимда сифатни таъминлаш тизимини трансформация қилиш жараёнларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 655-сонли қарорининг қабул қилиниши соҳани халқаро стандартлар асосида ислоҳ қилиш учун кенг замин яратди.

Мазкур қарорга мувофиқ, олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

олий таълим жараёнини рақамли форматга ўтказиш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида билимлар трансферини таъминлаш, ҳар бир таълим олувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда билим, компетенция, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ахборот тизимларини жорий этиш;

лойиҳавий ўқитиш усулларини кенгайтириш, жаҳон миқёсидаги етакчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш ҳамда инновацион тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш;

талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастурларини яратиш;

олий таълим муассасасини ҳудуддаги маҳаллий жамоаларнинг таълим, илм-фан ва ижтимоий-маданий соҳаларда ривожланишини таъминлайдиган марказ сифатида шакллантириш;

ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва вазифаларини ҳал қилиш борасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш [8].

Шуни алоҳида таъкилаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли ва 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарорларининг қабул қилиниши миллий олий таълим тизимини халқаро стандартлар асосида тубдан қайта ислоҳ қилиш ва комплекс равишда ривожлантириш шароитини яратди.

Мазкур қарорлар асосида олий таълим муассасаларига қўйидаги ваколатлар берилди, жумладан.

#### **Академик мустақиллик соҳасида**

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўқиш давомийлиги муддатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда қабул қилиш;

докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар, шу жумладан амалий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш;

олий таълим муассасаси ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш.

#### **Ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида**

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлардан қатъи назар муассасанинг тузилмасини тасдиқлаш ва штат бирликлари сонини белгилаш;

меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларни тугатиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш.

Қолаверса, молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига қуйидаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколоти берилиши белгиланган:

таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш;

ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш;

хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш;

бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш;

автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаши [9].

Шу билан бирга, молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколоти берилди:

таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш;

ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш;

хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш;

бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш;

автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаш каби қатор ваколатлар тақдим этилди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим соҳасида сифатни таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш, шунингдек, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш имконини вужудга келтирди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ирина И.А., Фанина Е.И. Современные тенденции развития высшего образования // ISSN 1991-5497 Мир науки, культуры, образования (электронный журнал) // № 5 (96) 2022.
2. Никитенко Е.В. Тенденции развития высшего образования в России в условиях его модернизации. Высшее образование в России. 2014; № 7: 44-49.
3. Фуломов С.С. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарқ, 2004, - 203 б.;
4. Ходиев Б.Ю. Олий иқтисодий таълим тизими учун замонавий ўқув адабиётлар яратиш: янги стандарт талаблари, тузилиши, мазмуни. – Т.: ТДИУ, 2005.- 168 б.;
5. Тешабаев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. Иқт.ф.д. ...дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2019.;
6. Абдурахмонов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. – Т.: Изд-во РЭА им. Г.В. Плеханова. – 2005. – 240
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони// <https://lex.uz/docs/4545884>;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 655-сонли қарори// <https://lex.uz/docs/5068549>;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли// <https://lex.uz/docs/5793261>;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарор <https://lex.uz/docs/5793251>;